

Инспекция томонидан жорий 2020 йил “Узагроинспекция”нинг йиллик

ХИСОБОТИ

Инспекция томонидан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида жами 63 525 та назорат тадбирлари ўтказилиб, шундан 57 920 таси мониторинг ва 5 605 та текширишлар ташкил этди.

Ўтказилган текширишларнинг 5 022 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилини хабардор қилиш тартибида амалга оширилган.

Текширишлар давомида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ташкилот ва корхоналарнинг масъул мансабдор шахсларига нисбатан жами 13 680 та маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниб 3,5 млрд.сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган, 60 675 та огоҳлантирувлар, 2 922 та тақдимномалар расмийлаштирилди.

Ер ва сув йўналишлари бўйича 2651 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб 5,3 млрд.сўмлик молиявий жарималар қўлланилган.

Шунингдек, қонуний қарор қабул қилиш учун судларга ва хукуқни муҳофаза қилувчи органларга 6 908 та материаллар юборилди (*1-жадвал*).

Хусусан, қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш борасида ўтказилган назорат тадбирлари давомида 34 543 гектар ер майдонларда (6 778 та ҳолатда) қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди (*2-жадвал*).

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан 2 071 та ҳолатда (2302 гектар) ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, ноқонуний уй-жой ва бошқа қурилишлар қуриб олинган, 115 та ҳолатда (1488 гектар) ер бериш тартиби бузилган, 124 та ҳолатда (134 гектар) фойдаланилган ерлар ўз вақтида қайтарилимаган, 328 та ҳолатда (9230,7 гектар) хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан четга чиқиб, давлат ер кадастри маълумотлари бузиб кўрсатилган.

Шу каби 1096 та ҳолатда (224,2 гектар) ерлар ўзбошимчалик билан қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилиши оқибатида давлатга 96,6 млрд. сўмлик зарар ҳисобланган.

Мазкур қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан, жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан 4230 та огоҳлантирувлар, 462 та тақдимномалар ва 170 та кўрсатмалар киритилди, шунингдек 2490 та ҳолатда 912,3 млн сўм маъмурий жарималар қўлланилиб, 2310 таси бўйича 7567,1 млн сўм жарималар ундирилди.

Бундан ташқари, 3 361 та қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан тўпланган хужжатлар тегишилиги бўйича кўриб чиқишлиқ учун маъмурий судларга, 348 та ҳолатда эса хукуқни муҳофаза қилиш органларига юборилиши таъминланди.

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳасида 11 688 та назорат тадбирлари ўтказилиб, 7 454 та ҳолатда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди (*3-жадвал*).

Ўтказилган тадбирлар давомида 4 992 та ҳолатда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, 247 та ҳолатда сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидалари, 247 та ҳолатда сув олиш лимитлари, 252 та ҳолатда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини

бузилганлиги ҳамда 757 та ҳолатда гидротехника ишларни ўзбошимчалик билан бажарилганлиги, 172 та ҳолатда сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ва 787 та бошқа ҳолатдаги қонун бузилишлар маълум бўлди.

Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан масъул шахсларга нисбатан 9 058 та огоҳлантирувлар ва 321 та тақдимномалар киритилди, шунингдек 3 959 та ҳолатда 1 млрд. 261 млн. сўмлик маъмурий ва 2 651 та ҳолатда 5 млрд. 310 млн сўмлик молиявий жарима санкциялари кўлланилди.

Бундан ташқари, 2 153 та қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тўплангандар хужжатлар тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун маъмурий суд ва прокуратура органларига юборилиши таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 310-сонли қарорига асосан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларида юритиладиган сувни ҳисобини қайд этиш журналларини Агроинспекциянинг туман бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ишлари ташкил этилди.

Кишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг етиштирилишини назорат қилиш соҳасида жами 10 345 та назорат тадбирлари ўтказилиб, 308 та хабардор қилиш тартибида текширишлар ва 9954 та мониторинглар натижасида 2 798 та ҳолатда қонун бузилишлар аниқланди.

Аниқланган қонун бузилишлар юзасидан 1787 та кўрсатмалар, 773 та тақдимномалар, 305 та маъмурий қарорлар расмийлаштирилиб, 157,9 млн сўм жарималар белгиланган, шунингдек қонуний қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 323 та материаллар киритилди (4-жадвал).

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 июндаги 378-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан 148 та туманга инспекторлар биринтирилиб ғаллани ўрим-йигими ҳамда 41 та дон корхоналарнинг 81 та шахобчасига уруғлик қабул қилиш, саклаш жараёнлари назорат тадбирлари олиб борилиб натижада жами 277,3 минг тонна сара уруғлик дон жамғарилди.

Пахта хом-ашёси, дон, уруғлар ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида жами 4119 та назорат тадбирлари ўтказилиб, 304 та текширишлар (шундан 71 та хабардор қилиш тартибида) ва 3815 та мониторинглар натижасида 971 та ҳолатда қонун бузилишлар аниқланди.

Аниқланган қонун бузилишлар юзасидан 549 та кўрсатмалар, 184 та тақдимномалар, 253 та маъмурий қарорлар расмийлаштирилиб, 159 млн сўм жарималар белгиланган.

Соҳада қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида масъул ташкилот ва корхоналарга 6 063 та огоҳлантирувлар юборилди, аниқланган қонун бузилишлари юзасидан 184 та материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга киритилди (5-жадвал).

Инспекция билан “Ўздонмаҳсулот”АК ўртасида имзолангандай қўшма буйруққа мувофиқ дон корхоналардаги давлат ресурсидаги якунланган дон партиялари бўйича 30-шакл тозалов далолатномалари ўрнатилган тартибида кўриб чиқилиб, Инспекцияга келиб тушган 367 та Ф30-шаклдаги тозалов далолатномалари кўриб чиқилиб, 367 таси раҳбарият томонидан тасдиқланди ва дон корхоналарига юборилди (6-жадвал).

Вазирлар Махкамасининг “Кишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-курилиш техникаларидан фойдаланишни такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ти 325-сон қарори ижроси доирасида аниқ ҳисобини юритишда замонавий ахборот технологиялари жорий этилиб он-лайн электрон база шакллантирилди.

Шунингдек, мазкур қарор доирасида ажратилган 7 млрд. сўм маблаглар ҳисобидан 14 та янги Дамас автомобили, мажбурий техник кўрикдан ўтказиш учун зарур бўлган 14 комплект 9 турдаги техник диагностика воситалари, 14 комплект асбоб-ускуналар, моноблок компьютер, махсус принтер, электрон имзо планшети, фотокамера ва аккумуляторларнинг 110 тўплами харид қилиниб худудларга фойдаланиш учун тақсимот қилинди.

Бунинг натижасида, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-курилиш техникаларининг аниқ ҳисобини юритиш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатишда, жумладан техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, техник паспорт, техник гувоҳнома, тракторчи-машинист гувоҳномасининг халқаро стандартлар талабига мос пластик шаклдаги намуналари берилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, мазкур тадбирлар натижасида замонавий ҳизматлар кўрсатишга ҳамда ваколатли ташкилотлардан келаётган сўровномаларни кўриб чиқиш муддатини 3-5 иш кунидан 1 (бир) иш кунигача қисқартиришга эришилди.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги техникаларини назорат қилиш соҳасида ўтказилган жами 10 979 та назорат тадбирларида 7 132 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган (7-жадвал).

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан масъул шахсларга нисбатан 8 409 та огоҳлантирувлар ва 207 та тақдимномалар киритилди, шунингдек 6 387 та маъмурий қарорлар қабул қилиниб, 963,7 млн сўм жарималар қўлланилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Наслчилик тўғрисида”ти қонуни ва соҳага оид бошка меъёрий-хуқукий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди ҳамда ижроси бўйича кунлик ва ҳафталик назорат ўрнатилди.

Хусусан, наслчилик корхоналари ва хўжаликлар томонидан етказиб берилган наслдор ҳайвонлар сифат (насл) кўрсаткичлари назоратга олиниб, наслдор ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонлар ва уларнинг уруғларини экспорт ва импорт қилиниши юзасидан жами 6 734 та назорат тадбирлари, шундан 6 381 та мониторинглар ва 353 та текширишлар (шундан 263 таси хабардор қилиш тартибида) ўтказилди.

Ўтказилган назорат ва мониторинг тадбирлари давомида аниқланган жами 2183 та қонун бузилишлари юзасидан 169 та маъмурий қарорлар расмийлаштирилди, масуълларга нисбатан 477 та тақдимномалар ва 6 529 та огоҳлантирувлар киритилди ҳамда қонуний қарор қабул қилиш учун 237 та материаллар хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилди (8-жадвал).

Мазкур кўрилган таъсир чоралари асосида бир қатор соҳага алоқадор ташкилотлар ва чорвачилик фермер хўжаликлари томонидан 6 минг 862 дозадан зиёд наслли буқа уруғларини

сотиб олиниши, 2 минг 250 бошдан зиёд сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантирилиши ҳамда озуқабоп экинларни етишириш учун 156,7 гектар ер майдонларини ажратиб берилиши таъминланди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида четдан келтирилган наслдор 32 минг 269 бош қора мол, 19 минг 322 бош қўй, 3 минг 401 бош эчки, 2 млн 28 минг бош наслли парранда, 16 млн 890 минг дона тухум, 2,0 тонна балиқ, 7,3 тонна тут ипак қурти уруғлари ҳамда 7 млн 900 минг бош бошқа соф зотли наслдор ҳайвонлари давлат реестрига киритилиши назоратга олинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни ижроси юзасидан хам Инспекция томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Инспекция марказий аппарати, худудий бошқармалари ва туман бўлимларига жами 2234 та мурожаат келиб тушган (*9-жадвал*).

Келиб тушган мурожаатларнинг 1698 таси кўриб чиқилган, 223 таси қуий инспекцияларга, 259 таси бошқа идораларга юборилган. 25 та мурожаат Қонуннинг 30-моддасига асосан кўриб чиқилиши тугатилган, 15 таси кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, Инспекция марказий аппарати, худудий бошқармалари ва туман бўлимлари ходимлари томонидан жами 34 038 та жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинган.

Соҳага доир янги қабул қилинган норматив ҳуқукий хужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларнинг ҳуқукий саводхонлигини ошириш ҳамда Инспекция фаолиятига ошкоралик бериш мақсадида Инспекциянинг расмий веб-сайтига (*agroinspesiya.uz*), ижтимоий тармоқлардаги (*Facebook, Instagram, Telegram*) саҳифаларига маълумотлар мунтазам жойлаштириб борилмоқда.

Ҳисобот даврида Инспекция марказий аппарати ва қуий тизимлари томонидан жами 11 499 маротаба тарғибот тадбирлари ўtkазилиб, шундан 2 926 та ОАВларида чиқишлиар, 8 573 та оммавий тадбирлар (*10-жадвал*).

Шунингдек, Инспекция тизимида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши кураш бўйича 364 маротаба оммавий тадбирлар ўtkазилиб, 46 маротаба ОАВларда чиқишлиар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида Инспекция қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиши маркази” давлат унитар корхонаси томонидан жами 78,6 млрд. сўмлик, шундан пахта йўналишида 72,8 млрд. сўмлик, уругчиллик йўналишида 27,2 млрд. сўмлик ва дон йўналишида 8,6 млрд. сўмлик сертификатлаш бўйича хизматлар кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ғалла етишириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 мартағи ПҚ-4634-сонли қарорида Агроинспекцияга бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилди.

Жумладан, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча дон қабул қилиш корхоналарида сотиб олинган доннинг сифати ва миқдори бўйича тўғри сақланишини назорат қилиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йил 30 марта 03/1-669-сон билан тасдиқланди.

Шунингдек, ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинадиган донни сақлаш соҳасидаги айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг “Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинадиган донни сақлаш соҳасидаги айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 22 майдаги 312-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2020 йилдаги “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сон қарорига мувофиқ Инспекция томонидан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6094-сонли Фармони ижроси бўйича Инспекциянинг 2020 йил 9 ноябрдаги И-63-сонли буйруғи билан “Ёғ-мой корхоналарида пахта техник чигитини тўлиқ технологик циклда мақсадли қайта ишланиши ҳамда маҳсулотларнинг сифатини тасдиқловчи гигиеник хulosса ва мувофиқлик сертификатлари мавжудлиги устидан назорат олиб бориш бўйича” Вақтинчалик Тартиб ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ушбу Фармон ижросини доимий ижросини таъминлаш ва мониторинг килиб бориш учун Республика мувофиқлаштирувчи ишчи комиссияси ҳамда “Ёғ-мой корхоналарида пахта техник чигитини тўлиқ технологик циклда мақсадли қайта ишланиши ҳамда маҳсулотларнинг сифатини тасдиқловчи гигиеник хulosса ва мувофиқлик сертификатлари мавжудлиги устидан назорат олиб бориш бўйича”худудий ишчи комиссиялар шакллантирилди.